

Шарафиддин Али Яздий Марказий Осиё, Якин ва Ўрта Шарк мамлакатларининг XIV ва XV аср бошларидаги тарихидан бахс юритувчи машхур «Зафарнома» асарининг муаллифи сифатида тарих зарваракларида мангу мухрланган муаррихлардан бўлиб, унинг хаёти ва фаолияти асосан XV асрнинг биринчи ярмига тўғри келади.

Шарафиддин Али Яздий Эроннинг Язд шахрига карашли Тафт мавзеида (Тафт-и-Язд деб ҳам аталган), тахминан XIV асрнинг охириги чорагида тугилган. Унинг таржимаи холи хакидаги маълумотлар ўз асарлари ва замондошларининг асарларида келтирилган далиллар-дан иборат. Унинг отаси — Шайх Хожи ўз даврининг йирик олимларидан саналиб, тарикат ахли — сўфийлар билан ҳамфикр бўлган. Манбаларда айтилишича, Шарафиддин Али ҳам ёшлигида Язд сўфийлари билан якин алоқада бўлган.

Шарафиддин Али Яздийнинг бундан кейинги фаолияти хакидаги маълумотлар, унинг Шерозда Темурийлар саройида хизматда бўлганлиги билан боглик. Шохрухнинг ўғли Мирзо Иброхим Султон 1414 йили отаси томонидан Эроннинг Форс вилоятига (маркази Шероз) хоким қилиб тайинланади. 1435 йилгача Шарафиддин Али ана шу шахзоданинг саройида хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шарафиддин Алидан қолган илмий-адабий мерос, адабиёт ва тил услуби, шеърят назарияси, илми нужум, фалсафа, тасаввуфнинг назарий масалалари бўйича ёзилган асарлардир. «Шараф» тахаллуси билан шеърлар ёзганлиги ҳам маълум.

Яздийнинг 1446 йили Хиротга келгани, бу ердан Самарқандга Улугбек хузурига борганлигини ҳам тахмин қилиш мумкин бўлса-да бироқ бу узок вақт давом этган эмас. Афтидан, Шохрух вафотидан (1447) кейин тез орада Шарафиддин Али ўз ватани Тафтга қайтиб келади ва бу ерда хонакоҳга жойлашиб, умрининг охиригача шундай яшайди. У хижрий 858 (1454) йили вафот этади, шу хонакоҳга дафн этилади.

Шарафиддин Али Яздий каламига мансуб илми нужум, шеърят ва тарикат назариясига оид бир қанча асарлар борки, уларни бирма-бир санаб ўтишни лозим топдик:

1. «Хулал-и мутарраз дар муаммо ва лугаз» («Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли жома»).
2. «Мунтахиб-и Хулал» (Мазкур асарнинг қискартирилган баёни).
3. «Мавотин ё манозир дар муаммо» («Муаммо фанида турар жой ва манзаралар»).
4. «Кунх уз-зод дар илм-и вақф-и аъдод» («Ададлар мувофиклиги илмида хақиқат чўккиси»).
5. «Ал-Китоб фи илм-и устурлоб» («Устурлоб илми бўйича китоб»).
6. «Девон-и Шараф-и Яздий» («Шарафи Яздийнинг шеърлар тўплами»).
7. «Хақойиқ ат-тахлил» («Тахяил, яъни «Ло илоҳа илла-л-лоҳ» нинг хақиқатлари»).
8. «Шарх-и «Қасида-и бурда»» («Қасида-и бурда»нинг шархи).
9. «Шарх-и «Асамо-и Аллоҳ»» («Аллоҳ исмлари»нинг шархи»).
10. «Тухфат ул-фақир ва ҳадят ул-хақир» («Фақирнинг тухфасию хақирнинг ҳадяси»).

11. «Муншаот» («Хатлар тўплами»).

12. Махсус номга эга бўлмаган, аммо Амир Темурнинг тарихини шеърий баён этилган асар.

Ушбу асар номларидан кўриниб турибдики, Шарафиддин Али Яздий ўз даврининг анчагина билимлари бўйича озми-кўпми маълумотга эга бўлган. Шунинг учун ҳам у Темурий шахзодалар саройида хизматга таклиф этилиб, замондошлари орасида маълум даражада шухрат қозонган. Унинг тарихнавислик фани намояндалари каторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлган «Зарафнома» асарининг битилиш тарихи ҳам муаллифнинг ўз даврининг етакчи муаррихларидан бири бўлганлигини кўрсатиб турибди.

«Зарафнома» асари — «Фатхномаи сохибқирон», «Тарихи жаҳокушойи Темурий» деган номлар билан ҳам аталади, лекин тарих фанида у кўпроқ «Зафарнома» номи билан машхур. Асар тузилиши жихатидан икки қисмга: Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва бевосита Темур даври тарихини ёритувчи асосий қисмга бўлинади. Хар бир қисм учун алоҳида-алоҳида ёзилган, кўп жихатдан муштаракликка эга бўлган сўз бошиларда муаллиф мазкур қисмларнинг ёзилиш тарихини ёритиб беради. У хар икки қисм ҳам Шохрухнинг ўгли Иброҳим Султоннинг ташаббуси билан ёзилди, деб кўрсатади.

Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим Султон ўз бобоси Амир Темур хақида махсус китоб ёзилишини ният қилган ва хижрий 822 (1419-20) йилда ўз вақтида бахший ва муншийлар томонидан Темур хақида туркий, форсий тилларда ёзиб қолдирилган мавжуд маълумотларни йигиб келтириш хақида фармон чиқарган. Бу иш амалга ошгандан сўнг мазкур маълумот-хужжатларни ўрганишга киришилган.

«Муқаддима»да бу хол қуйидагича баён этилган: «Тўпланилган маълумотлар воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар хикояси билан такқослаб бўлингач, бу маълумотлар билан Шарафиддин Али танишиб чиқиб, Иброҳим Султонга ахборот бериши лозим бўлган. Иброҳим Султон маъқуллагандан кейин эса Яздий «Муқаддима»ни тузишга киришган».

Темур давридан бахс этувчи қисм — «Зафарнома»нинг бош сўзбошидан қуйидагиларни билиб оламиз: «Подшоҳликнинг барча томонларидан Темур хақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган хикояларнинг ҳамма шеърий ва насрий нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан танишиш учун урта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этганлар. Дастлаб Темур хақидаги хар бир хикоя ўқилган, агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон хақиқатни тиклаш учун турли шахарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг яна бошқа замондошларидан суриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу қўшимча гувоҳлар хикоятларини ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва қотиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастлабки хома-ки нусхаси тузиб чиқилган. Сўнг ана шу хомаки нусха асосида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйругига асосан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлари хақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши лозим бўлган. Шарафиддин Али Яздидан эса асарни

жонли тил билан тушунарли килиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, хужжатларга катъий риоя килиши, Иброхим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастлабки хомаки ёзувдан асло четга чикмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт килиб кўйилган».

«Зафарнома» асарини ўқир эканмиз, Шарафиддин Али Яздий далилий маълумотларни келтириш борасида хакикатан ҳам Иброхим Султон кўйган шартларга риоя қилганлигини кўрамиз. Бирок бу шартни асарнинг тил услуби, айрим шахсларнинг сифатларини ҳаддан зиёд тавсифлаш холларига нисбатан риоя қилинган деб бўлмайди. Асар тил услуби жиҳатидан форс тилининг ўша XV аср адабий услубини мукамал билган саводхон учун мўлжалланган, ҳатто уни ўз даври учун тарихий воқеалар асосида ёзилган бадиий асар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Асарнинг «Муқаддима» қисмини Шарафиддин Али Яздийнинг ўзи «Тарихи жаҳонгир» деб номлаган, лекин фанда «Муқаддима» номи билан машҳур ва «Зафарнома»нинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳажми катта бўлганлиги туфайли бўлса керак, кўлёзма нусхалари алоҳида мустақил асар сифатида ҳам тарқалган. У сўзбоши, икки фасл ва хотимадан иборат.

«Муқаддима»дан кўзда тутилган мақсад Темур шажарасини баён этиш ва унинг ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлардан давлат арбоби ва лашкарбоши сифатидаги устунлигини исботлаб беришдан иборатдир. Шу муносабат билан муаллиф туркий қабилаларнинг келиб чиқиш тарихи ва Чингизхоннинг тўрт улус тарихини, XIV аср биринчи ярмида Марказий Осиё ва унга кўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятни баён этади, тарқоқлик ва ўзаро урушларнинг кучайишини ва бу ҳол Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузган Темурнинг тарих майдонида пайдо бўлишига бир қадар шарт-шароит яратилганлигини кўрсатиб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»га Темур даври тарихидан ташқари, ундан олдинги асрлардаги тарихни ҳам (гарчи умумий тарзда бўлса ҳам) киритиши тасодифий эмас.

«Зафарнома» асарининг асосий қисми эса муаллифнинг дастлабки режасига кўра, уҳта мақоладан иборат бўлмоғи лозим бўлган. Биринчи мақола Темурга, иккинчиси, унинг ўғли Шохруҳга ва учинчиси, Шохруҳнинг ўғли ва Шарафиддин Али Яздийнинг ҳомийси Иброхим Султонга бағишланиши кўзда тутилган. Бинобарин, «Зафарнома» асари фақат Темурнигина эмас, балки Темурий шахзодалар Шохруҳ (1405—1447) ва Иброхим Султон (1414—1435) лар ҳукмронлик даври тарихини ҳам ёритиши керак бўлган. Бирок «Зафарнома»нинг ҳозирда, фанда маълум бўлган кўлёзма нусхаларида кейинги икки мақола йўқ, улар ёзилмаган ёки бизгача етиб келмаган.

Шарқ тарихнавислигининг энг нодир ёдгорликларидан бири ва Амир Темур даври тарихининг бирламчи манбаларидан бўлган «Зафарнома» узок вақтдан буён шарқшунос тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Далилий маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда ишончилиги туфайли у ўша давр манбалари орасида ханузгача муҳим ўрин эгаллайди.

XV ва XVI асрларда «Зафарнома» қахрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърӣ йўл билан ўзбек тилида Лутфӣй, форс тилида Абдурахмон Жомӣйнинг жияни Хотифӣй

(вафоти — 1521) томонидан куйланган эди. XVI аср бошларида Шайбонийларнинг дастлабки вакилларида Кучкунчихон (1510—1530) топширигига мувофик Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан «Зафарнома» ўзбек тилига таржима килинган. Адабиётларда Хофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий томонидан асарнинг турк тилига таржима килинганлиги хақида ҳам маълумот бор. Булардан ташқари «Зафарнома» 1822-1823 йилларда Хивада Худойберди ибн Кўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивокий томонидан ўзбек тилига қискартириб таржима килинганлиги ҳам маълум.

XVIII асрдан бошлаб «Зафарнома»нинг айрим қисмлари француз (Пети де ла Кроа, 1713), инглиз (Ж. Дарби, 1723) ва рус тилига ҳам таржима килинган. Асарнинг форсча матни эса 1887—88 йилларда Калькуттада (Хиндистон), 1958 йили Техронда (Эрон) чоп этилган. Бирок бу нашрларда асарнинг «Муқаддима» қисми ҳамда зарурий кўрсаткичлар берилмаган. 1972 йили Тошкентда асарнинг ҳар икки қисмини қамраган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган 4472-рақамли кўлёманинг факсимил наشري амалга оширилди. Бунда тарихий манбалар илмий наشري учун зарурий бўлган сўзбоши ва турли кўрсаткичлар билан бирга асар матнининг ҳар хил нусхалари ва нашрлари орасидаги фарқлар ҳам қайд этилди.

Кейинги йилларда Шарқшунослик институтида «Зафарнома»ни ҳозирги ўзбек тилида илмий изохпи таржимасини нашрга тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда. Асарнинг кичик бир қисми соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан, 1994 йилда чоп этилди.

А. Ўринбоев